

Ўзбекистон Республикаси**Давлат статистика қўмитасининг****2010 йил “15” ноябрдаги 11-сонли қарорига****илова****Товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини ташкил қилиш****бўйича услубий низом**

Мазкур Услубий низомда, Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилиги қоидалари ҳамда БМТнинг Статистика бўлими томонидан тайёрланган “Товарлар халқаро савдоси статистикаси: концепциялар ва таърифлар”нинг иккинчи қайта кўриб чиқилган вариантга асосланган, товарлар ташқи савдоси бўйича статистик маълумотлар шаклланишининг асосий қоидалари ва тартиблари баён этилган.

Ташқи савдо статистикаси бўйича маълумотларни тўплаш, 2007 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (11-сонли), Давлат божхона қўмитаси (01-02/15-23-сонли), Иқтисодиёт вазирлиги (31-сонли) ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (ЭГ-01/10-4715-сонли) қарорлари билан тасдиқланган “Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисида” ги Низом асосида (2007 йил 20 сентябрда 1717-сон билан рўйхатга олинган) товарлар ташқи савдоси ҳисобининг тўлов баланси методологиясига мувофиқ тўлиқ акс эттирилишини таъминлаш мақсадида олиб борилади.

Услубий низом Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо статистикасини шакллантириш, таҳлилий материалларни тайёрлаш, Республиканинг турли давлатлар – савдо ҳамкорлари билан савдо тўғрисидаги маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш учун мўлжалланган.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубий низомда қуйидаги асосий таърифлардан фойдаланилган:

товар – ҳар қандай кўчма мулк, шу жумладан валюта ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик ва бошқа энергия турлари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташиш учун ишлатиладиган транспорт воситалари, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари;

Ўзбекистон Республикаси товарлари – Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар, ёки Ўзбекистон Республикасида эркин муомалага чиқарилган товарлар;

хорижий товарлар – Ўзбекистон Республикаси товарлари ҳисобланмаган товарлар;

резидентлар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги, дипломатик мақомдан фойдаланувчи дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг хўжалик ёки бошқа турдаги тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган чет элдаги ваколатхоналари;

божхона режими – Ўзбекистон Республикаси чегаралари орқали олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситаларининг божхона мақсадларида ҳолатини аниқлаш қоидалари мажмуи;

товарлар экспорти – агар қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш;

реэкспорт – хорижий товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқилмаган божхона режими;

товарлар импорти – товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз олиб кириш;

реимпорт – божхона ҳудудидан экспорт режимида олиб чиқилган Ўзбекистон Республикаси товарлари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида кўрсатилган муддатда (олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида) қайтариб олиб кириладиган режим;

ташқи савдо айланмаси – мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматлари суммаси;

товарлар келиб чиққан мамлакат – товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат (товар етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат “Божхона тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26 - моддасига асосан аниқланади) ;

товарларнинг белгиланган манзили – юклаб жўнатиш пайтида товар етказиб берилиши белгиланган мамлакат сифатида маълум бўлган мамлакат;

товарларнинг статистик қиймати – шартнома валютасидан қатъий назар ягона базисга келтирилган шартнома бўйича товарлар қиймати;

СИФ (қиймат, суғурталаш, фрахт) – товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакат портигача етказиб бериш харажатлари киритилади;

СИП (фрахт/ташиш ва суғурталаш) – товарларни сотиш шarti бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакатнинг чегарасидаги белгиланган жойгача етказиб бериш харажатлари киритилади;

FOB (бортда эркин) – товарни сотиш шarti бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни кема бортигача етказиб бериш ва юклаш харажатлари киритилади;

ДАФ (чегарагача етказиб бериш) – товарни сотиш шarti бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни белгиланган жойгача ёки экспорт қилувчи мамлакат чегарасидаги жойгача ёхуд қўшни мамлакат чегарасигача етказиб бериш харажатлари киритилади;

2. Товарлар ташқи савдо статистикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш (импорт) ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш (экспорт) натижасида мамлакат моддий ресурслари захираларига қўшиладиган ёки улардан чиқариладиган товарлар ҳисобини **ташқи савдони умумий ҳисобга олиш тизими** асосида юритади. Бунда мамлакатнинг статистик ҳудуди сифатида давлат чегараси олинади.

3. Ташқи савдо статистикасига транзит товарлар, мамлакатга вақтинча олиб кирилган ёки ундан вақтинча олиб чиқилган товарлар крмайди (ички ва ташқи қайта ишлаш учун мўлжалланган ва бир йилдан ортиқ муддатга ижарага олинган товарлар бундан мустасно), чунки улар мамлакат моддий ресурслари захираларини тўлдирмайди ва камайтирмайди.

4. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо статистикасида ҳамкор мамлакатлар қуйидагилар ҳисобланади:

олиб киришда – товар ишлаб чиқарилган мамлакат, товар ишлаб чиқарилган мамлакат аниқ бўлмаган ҳолатларда товар жўнатилган мамлакат;

олиб чиқишда – товар жўнатилиши белгиланган мамлакат.

5. Товарлар статистик қийматининг аниқланиши:

импортда - ягона базисга келтирилган шартнома нархларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича АҚШ долларида белгиланади.

экспортда - ягона базисга келтирилган божхона нархларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича АҚШ долларида белгиланади.

Импорт қийматини баҳолаш СИФ – импорт қилувчи мамлакат порти ёки СИП - импорт қилувчи мамлакат чегарасидаги белгиланган манзил нархлари асосида амалга оширилади.

Товарларни олиб кириш бошқа транспорт воситаларида амалга оширилган ва СИФ шартларини қўллаб бўлмайдиган бошқа ҳолатларда товарлар қийматини СИП шартлари бўйича белгилаш мумкин, чунки у товарларни импорт қилувчи мамлакат

чегарасига етказиб бериш, шу жумладан фрахт ва суғурталаш қийматини акс эттиради.

Экспорт қийматини баҳолаш FOB – экспорт қилувчи мамлакат порти ёки ДАФ - экспорт қилувчи мамлакат чегараси нархлари базасида амалга оширилади.

Товарлар экспорт қилувчи мамлакатдан бошқа транспорт воситаларида жўнатилган ва FOB шартларини қўлаб бўлмайдиган ҳолатларда, унинг ўрнига ДАФ коидаларини қўллаш мумкин, чунки у товарларни экспорт қилувчи мамлакат чегарасига етказиб бериш ва шунга ўхшаш FOB қийматини акс эттиради.

6. Товарларни таснифлаш ва кодлаш учун 2008 йил апрел ойидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-823-сонли қарорига мувофиқ жорий қилинган ва БМТнинг Товарларни таърифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизимига асосланувчи «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти товарлар номенклатураси» (ТИФ ТН ЎЗР, 2007 йил) дан фойдаланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН ўн рақамли коди қуйидагича шакллантирилган:

а) дастлабки олти рақам Уйғунлаштирилган тизим бўйича таърифлаш ва кодлашга тўла мувофиқ келади;

б) худди шу олти рақам еттинчи ва саккизинчи рақамлар қўшилган ҳолда Европа ҳамжамияти Комбинацияланган номенклатураси бўйича товарларни таърифлаш ва кодлашга мувофиқ келади;

в) тўққизинчи белги товарларни МДХ учун батафсил аниқлашга мўлжалланган (ТИФ ТН МДХ);

г) ўнинчи белги товарларни Ўзбекистон Республикаси учун батафсил аниқлашга мўлжалланган.

8. Товарларнинг миқдорий ҳисоби нетто вазни бўйича асосий ўлчов бирлиги сифатида килограммдан фойдаланилган ҳолда юритилади.

Зарур ҳолатларда статистика маълумотларини тўплаш ва қайта ишлаш учун товарларни қўшимча ўлчов бирликларида (дона, жуфт, метр, литр ва б.) ифодаланган миқдор бўйича параллел ҳисоби юритилади. Ушбу ўлчов бирликлари ТИФ ТН тегишли “Қўшимча ўлчов бирликлари” устунида кўрсатилади.

II. Ташқи савдо статистикасини шакллантириш манбалари

9. Товарлар ташқи савдо статистикасини шакллантириш учун бошланғич маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона статистикаси маълумотлари ва 1 ВЭД “Товарлар экспорти-импорти тўғрисида”ги ойлик давлат статистика ҳисоботи маълумотлари ҳисобланади.

10. Товарлар ташқи савдоси бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва қайта

ишлаш, улар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона декларациялари маълумотлари асосида амалга оширилади.

Давлат божхона қўмитаси Давлат статистика қўмитасига товарлар ташқи савдоси маълумотлар базаси бўйича (ТИФ ТН 10 та белги) Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо божхона статистикасига доир меъёрий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда, жисмоний шахслар бўйича маълумотларни ажратган ҳолда ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 7 санасигача дастлабки, 15 санага эса аниқлаштирилган маълумотларни тақдим этади.

Маълумотлар ўсиб боровчи якун бўйича шакллантирилади.

11. Давлат статистика қўмитаси Давлат божхона қўмитасидан мамлакат тўлов балансини шакллантириш учун зарур бўлган божхона декларацияларининг қуйидаги алоҳида кўрсаткичлари бўйича маълумотларни олади:

- а) ҳисобот даври (ҳисобга олиш вақти);
- б) товар окимини йўналиши (олиб кириш ёки олиб чиқиш);
- в) келиб чиқиш мамлакати;
- г) белгиланган мамлакат;
- д) статистик қиймат;
- е) ТИФ ТН бўйича товарнинг коди ва номи;
- ж) нетто вазни;
- з) қўшимча ўлчов бирликларининг коди ва номи;
- и) қўшимча ўлчов бирликлари бўйича миқдор;
- к) битим характери;
- л) минтақа.

12. Алоҳида товарлар (электр энергияси ва табиий газ) экспорти-импорти, божхона декларациялари ва божхона статистикасида ҳисобга олинмаган ҳамда мамлакат чегарасини кесиб ўтмаган (яъни Ўзбекистон Республикаси чегарасидан олиб чиқилмаган), эгалик ҳукуқи резидентдан норезидентга ўтган товарлар экспорти-импорти ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ойлик давлат статистика ҳисоботлари асосида ҳисобга олинади.

III. Якуний қоидалар

13. Ташқи савдо бўйича якуний маълумотлар мамлакат миқёсида ҳар ойда, товарлар экспорти-импорти бўйича маълумотлар хизматлар экспорти-импортига доир маълумотлар билан бирлаштирилган ҳолда шакллантирилади ва кейинчалик ҳудудларга етказилади.

Фойдаланилган маълумотлар рўйхати

1. “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси.
3. Тўлов баланси бўйича қўлланма //ХВФ 1993 йил.
4. Товарлар халқаро савдоси статистикаси//Тузувчилар учун қўлланма//БМТ, Нью-Йорк, 2004 йил.
5. “Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси бўйича маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисида Низом”// Ўзбекистон Республикаси 2007 йил 20 сентябр, №1717.
6. “Божхона тарифи тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни.
7. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ташқи савдо божхона статистикаси ягона услубияти тўғрисидаги қарор, янги таҳрир//2005 йил 25 ноябр.